



## КОРРУПЦИЯ ТУШУНЧАСИ УНИНГ ИЖТИМОЙ ХАВФЛИЛИГИ

Ортиқалиев Бобур Ортиқали ўғли

Тошкент давлат юридик университети Коррупцияга  
қарши курашиш ва комплаенс-назорати  
йўналиши 1-курс магистранти  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7298395>

### ARTICLE INFO

Received: 25<sup>th</sup> October 2022  
Accepted: 03<sup>rd</sup> November 2022  
Online: 05<sup>th</sup> November 2022

### KEY WORDS

Коррупция, тушунча,  
ижтимоий, хавфли, пора,  
жиноят, жазо, юридик,  
қарши, курашиш.

Коррупция сўнгги йилларда халқаро миқёсда трансмиллий жиноят сифатида халқаро ташкилотлар томонидан кенг муҳокама қилинаётган мавзулардан биридир. Ҳатто, айрим сиёсатчилар томонидан коррупцияга глобал инқирозни келтириб чиқарувчи омил сифатида ҳам таъриф берилади. Ушбу масала мураккаб ва ечими қийин бўлиб, унга жамиятдаги бир касаллик деб қаралади. Коррупция келтирадиган зарар барча давлатлар учун тенг. Коррупция давлатнинг турли тузилмаларига, жумладан, солиқ тизимига, ижтимоий соҳадаги ислохотларга ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Мамлакатимизда мазкур муаммога қарши кураш масаласига мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ жиддий эътибор қаратиб келинаётир. Ўтган давр мобайни-да

### ABSTRACT

Мазкур мақолада коррупция тушунчаси унинг ижтимоий хавфлилигига доир масалалар ва бу борадаги олимларнинг фикрлари таҳлил этилган. Мақолада коррупциянинг энг хавфли томони, давлат хизматчиси ҳисобланувчи мансабдор шахс маълум ҳақ — пора эвазига иккинчи томон — пора берувчининг қонунга зид бўлган талабини бажарариши ёки унинг ғайриқонуний қилмишларидан кўз юмиши, бу эса давлат ва жамият манфаатларига зарар етказиши ва унга тўсиқ бўлиши ҳам ёритилган.

коррупция ва жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда унинг олдини олишга қаратилган мустақкам ҳуқуқий ба-за ва тизимли амалиёт шаклланди. Истиқлол йилларида ҳуқуқ тартибот соҳасида бирқанча ислохотлар амалга оширилди, коррупция ва бошқа жиноий ишларга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Коррупция тушунчасига юридик адабиётларда турли хил қарашлар мавжуд бўлиб, ҳуқуқшунос олим А.Д.Косьмин коррупциянинг айрим белгиларини очиб беришга ҳаракат қилган бўлиб, хусусан:

- коррупция – давлат мулкани ўғирлаш, ўзлаштириш ва давлат мулкани ўзлаштириш билан боғлиқ давлат тузилмалари номидан ишлайдиган ва давлат (ва унинг халқи) манфаатларини ҳимоя қилишга чақирилган мансабдор



шахсларнинг мол-мулкларини суиистъемол қилиш;

- коррупция ўртасидаги антагонистик бўлмаган қарама-қаршилик билан тавсифланади жамият манфаатлари (ва унинг ҳар бир алоҳида аъзоси) ва шахсий манфаатлар коррупция жараёнларини "бошлайдиган" мансабдор шахслар тушунилади<sup>1</sup>.

Бундан ташқари, ҳуқуқшунос олим, немис-америкалик сиёсатшунос К. Фридрих фикрига кўра, ҳар қандай коррупция тушунчасини ёритишга бўлган уриниш ҳамда коррупция тушунчасини таҳлил қилиш зиддиятга олиб келади, тарихан олиб қарайдиган бўлсак, инглиз ва бошқа тилларда "коррупция" сўзи мавжуд ва у умуман бошқача маъно ва маъноларни англатади<sup>2</sup>.

Коррупциянинг энг хавfli томони шундаки, давлат хизматчиси ҳисобланувчи мансабдор шахс маълум ҳақ — пора эвазига иккинчи томон — пора берувчининг қонунга зид бўлган талабини бажаради ёки унинг ғайриқонуний қилмишларидан кўз юмади, бу эса давлат ва жамият манфаатларига зарар етказди ва унга тўсиқ бўлади. Коррупция жамиятга тўсиқ дегани бу-Дарҳақиқат, коррупция – илдизлари давлат хизматини ташкил этишдаги нуқсонларга ва давлат хизматчиларининг ўзига хос руҳиятига бориб тақаладиган ижтимоий ҳодисадир. Бу коррупцияга қарши

аввало маъмурийҳуқуқий ва ташкилий-бошқарув чора-тадбирлари кўрилиши зарурлигидан далолат беради. Коррупция – мансаб мавқеидан шахсий мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлган жиноят. Коррупция фаолияти хуфёна иқтисодиётнинг асосий турларидан бири ҳисобланади. Аксарият ҳолларда коррупция деганда, давлат амалдорлари томонидан шахсий мафпатларни кўзлаб, бойлик орттириш мақсадида фуқаролардан пора олиш, қонунга хилоф пул даромадларини қўлга киритиш тушунилади. Этимологик жиҳатдан "коррупция" атамаси "бузиш, пора эвазига оғдириш" деган маънони англатадиган латинча "corruptio" сўзидан келиб чиққан. Юридик энциклопедия муаллифларининг таъкидлашича, "коррупция – мансабдор шахслар томонидан уларга берилган ҳуқуқлар ва ҳокимият имкониятларидан шахсий бойлик орттириш учун фойдаланишда ифодаланувчи сиёсат ёки давлат бошқаруви соҳасидаги жиноий фаолият". "Юридик атамалар қомусий луғати"да коррупция тушунчасига "давлат функцияларини бажариш ваколатига эга бўлган (ёки уларга тенглаштирилган) шахсларнинг ноқонуний тарзда моддий ва бошқа бойликлар, имтиёзларни олишда ўз мақоми ва у билан боғлиқ имкониятлардан фойдаланиши, шунингдек, бу бойлик ва имтиёзларни жисмоний ёки юридик шахслар қонунга хилоф равишда эгаллашига имкон бериши", деб таъриф берилган. Яна бошқа адабиётларда эътироф этилишича, коррупция атамаси "сиёсат ёки давлат бошқаруви соҳасидаги жиноий фаолият бўлиб, мансабдор

<sup>1</sup> Коррупция как конвертационная форма общественно значимых персонифицированных статусных позиций и модулей совокупного общественного капитала / А.Д. Косьмин, О.П. Кузнецова ; М-во образования и науки РФ, ОмГТУ. – Москва : Экономика, 2015. – 235 с.

<sup>2</sup> В.А. Суханов Международное сотрудничество в борьбе с коррупцией в органах власти Москва-2014 186 с



шахслар ўзларига берилган ҳуқуқлар ва ҳокимият имкониятларидан шахсий бойиш мақсадида фойдаланишидан иборат”, деб тавсифланган.

М.Х.Рустамбаевга кўра, порахўрлик — бошқарув органлари фаолияти тартибига қарши қаратилган уч мустақил мансабдорлик жиноятлари — пора олиш, пора бериш ва пора олиш-беришда воситачилик қилишни ўз ичига оладиган тушунча. Санаб ўтилган ҳар бир тажовуз ЖК 210—212-моддаларида назарда тутилган жиноятлар билан боғлиқ бўлмаган ҳолда содир етилиши мумкин эмас. Улар бир-бири билан шу даражада боғлиқ бўладики, пора олиш фактининг мавжуд emasлиги пора бериш фактини ҳам истисно этади. Мазкур жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги шу билан изоҳланадики, пора олиш мансабдор шахслар томонидан ўзларининг мансаб ваколатларини ижро етишнинг ўрнатилган тартибини кескин ўзгартиради ва бу билан давлат хизмати манфаатларини кўпол бузади. Пора коррупция — ҳокимият ва бошқарув асосларини емирадиган, унинг аҳоли олдидаги обрўсига путур етказадиган, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига даҳл қиладиган хавфли жиноий ҳодисанинг нисбатан кўп тарқалган ва ўзига хос ҳодисаси ҳисобланади<sup>3</sup>.

Шу ўринда, 2017 йил 3 январда қабул қилинган “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида коррупция

билан боғлиқ тушунчаларга таъриф бериб ўтилган.

Хусусан, *коррупция* — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этишдир.

Коррупцияга қарши курашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш, коррупцияга қарши чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари билан самарали ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш стратегиясининг асосий устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди.

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга барҳам бериш, уларнинг оқибатлари, уларга олиб келадиган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцион ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш коррупцияга қарши кураш соҳасидаги

<sup>3</sup> Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Том 4. Дарслик. 2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган – Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018. – 529 бет



давлат сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида белгиланган.

Умуман олганда, коррупциявий жиноятларнинг содир этилиши орқали коррупция амалда юзага келади. Шу сабабли ҳам, коррупцияга оид жиноятлар тушунчасини ва унинг таркибий элементларини тадқиқ қилиш коррупцияга қарши курашиш ва коррупциянинг олдини олишдаги энг асосий усул ва воситалардан биридир. Эътибор қаратишимиз лозимки, “коррупция” атамаси аксарият ҳолларда мулкӣ кўринишдаги наф олишга қаратилган порахўрлик жинояти сифатида тушунилади. Аммо, коррупциявий жиноятларнинг рўйхати порахўрлик жиноятлари билангина чекланиб қолмайди.

Бугунги кунда “коррупция” тушунчасининг барча элементларини тўлиқ қамраб олган таърифни учратиш мушкул. Жиноят ҳуқуқи назариясида мазкур атамага нисбатан берилган таърифларни, шартли равишда, кенг ва тор маънолардаги ёндашувлар сифатида икки турга ажратишимиз мумкин<sup>4</sup>.

Биринчи турдаги ёндашувга мисол қилиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 1978 йил 17 декабрда қабул қилинган “Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар мансабдор шахсларининг юриш-туриш кодекси”ни кўрсатишимиз мумкин. Мазкур ҳужжатнинг 7-моддаси “b” бандига асосан, коррупция – бу “мансабдор шахснинг ҳар қандай шаклдаги манфаат эвазига

ўз мансаб ваколатлари доирасида мазкур манфаатни тақдим этувчи шахс фойдасини кўзлаб содир этган ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги” тушунилади<sup>5</sup>. Европа Кенгаши томонидан 1999 йилда қабул қилинган Коррупция учун фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик тўғрисидаги конвенцияда коррупцияга “пора олувчидан талаб қилинадиган мажбуриятлар ва юриш-туриш қоидаларини бажаришдан оғдиришга қаратилган ҳар қандай афзалликларни бевосита ва билвосита бериш, қабул қилиш, таклиф қилиш ёки сўрашдан иборат ҳаракатлар” сифатида таъриф берилди<sup>6</sup>. Аксарият халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда, миллий ва хорижий мамлакатлар ҳуқуқшуносларининг асарларида “коррупция” тушунчасига нисбатан кенг ёндашувга гувоҳ бўлишимиз мумкин. Мазкур ёндашувга кўра, коррупция сифатида, нафақат порахўрлик, балки мансаб ваколатидан фойдаланган ҳолда ноқонуний наф олишга қаратилган ҳар қандай фаолият тушунилади. Жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси “коррупция” тушунчасига нисбатан бевосита таъриф бермасда, коррупциянинг турлари сифатида бир қатор жиноятлар рўйхатини ўзида акс эттирган.

<sup>5</sup> Кодекс поведения должностных лиц по поддержанию правопорядка (Принят резолюцией 34/169 Генеральной Ассамблеи ООН от 17 декабря 1979 года) // [Электрон манба]. URL: [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/code\\_of\\_conduct.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/code_of_conduct.shtml)

<sup>6</sup> Конвенция о гражданско-правовой ответственности за коррупцию (Страсбург, 4 ноября 1999 года) // [Электрон манба]. URL: <https://www.coe.int/tu/web/conventions/full-list/conventions/rms>

<sup>4</sup> Коррупциявий жиноятлар учун жавобгарлик. Монография // Масъул муҳаррир: Д.Б.Базарова, ю.ф.н., профессор в.б. – Т.: Тошкент давлат юридик университети, 2020. – 120 бет.



Мазкур Конвенциянинг 3-бобида мувофиқ, давлат мансабдор шахсларининг порахўрлиги, хорижий давлат мансабдор шахсларига ва халқаро оммавий ташкилотларнинг мансабдор шахсларига пора бериш, давлат мансабдор шахси томонидан мол-мулкнинг талон-торож қилиниши, ноқонуний ўзлаштирилиши ёки кўзда тутилмаган мақсадларда ишлатилиши, жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштириш, одил судловнинг амалга оширилишига тўсқинлик қилиш, ғаразли мақсадларда мавқени суиистеъмол қилиш, хизмат лавозимининг суиистеъмол қилиниши, ноқонуний тарзда бойлик ортирилиши, хусусий секторда пора бериш, хусусий секторда мулкнинг ўғирланиши, коррупциявий жиноят натижасида қўлга киритилган молмулкни яшириш каби қилмишлар коррупциявий жиноятлар сифатида белгиланган<sup>7</sup>.

Коррупциянинг бундай талқини ҳозирги замон криминологиясида ҳам мавжуд. Масалан, А.И.Долгова коррупция тушунчасига “давлат амалдорлари ёки ўзга хизматчилар пора эвазига оғдирилиши ва шу асосда улар ўз хизмат ваколатларидан шахсий ёки муайян гуруҳ манфаатларида фойдаланиши билан тавсифланувчи ижтимоий ҳодиса”<sup>8</sup>, деб таъриф берган. Н.Ф.Кузнецов ва Г.М. Миньковлар коррупция деганда давлат аппарати ва нодавлат тузилмаларининг

ходимларини пора эвазига оғдиришдан иборат бўлган ижтимоий хавfli ҳодисани тушунади<sup>9</sup>. Аммо ижтимоий ҳодиса сифатидаги коррупция тушунчасининг пора эвазига оғдириш, порахўрлик билангина боғлиқ бўлмаган кенгроқ талқини ҳам мавжуд ва у, бизнингча, тўғрироқдир.

Коррупция сўзи адабиётларда турлича талқин қилинади. Унинг ягона тушунчаси йўқ, у бир неча жиноятларни ўзида мужассамлаштириши мумкин. Ҳатто халқаро ташкилотларнинг тавсияларидан ҳам унинг ягона тушунчасини яратиб бўлмайди, бошқарув тартибига қарши мансабдорлик жиноятлари “коррупция” деб аталмоқда<sup>10</sup>. Муаллифнинг фикрича, бошқарув тартибига қарши мансабдорлик жиноятлари ва коррупция тушунчаларининг моҳияти турлича ва улар орасида фарқлар ҳам мавжуд. Коррупция мансабдор шахслар томонидан давлат ҳокимияти ёки бошқаруви ваколатларидан фойдаланган ҳолда шахсий манфаатларни кўзлаб содир этиладиган жиноятлар йиғиндиси дир. Коррупция деганда мансабдор шахслар томонидан ҳокимият ёки мансаб ваколатларидан қонунга зид равишда фойдаланиб, оммавий тарзда моддий ёки номоддий

<sup>7</sup> Конвенция Организации Объединенных Наций против коррупции (Принята резолюцией 58/4 Генеральной Ассамблеи от 31 октября 2003 года) // [Электрон манба]. URL: [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/corruption.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/corruption.shtml)

<sup>8</sup> Криминология / Под ред. А.И. Долговой. – М.: ИНФРА-М, 1997. – 68 с.

<sup>9</sup> Криминология / Под ред. Н.Ф. Кузнецовой, Г.М. Миньковского. – М.: МГУ, 1994. – 58 с.

<sup>10</sup> Кадыков В.М. Некоторые проблемы коренной трансформации экономического механизма и криминализации российской экономики // Проблемы борьбы с преступностью, охраны прав и законных интересов граждан в условиях перехода к рыночной экономике. – М., 1996. – С.85-94.; Алауханов Е.О., Турсынбаев Д.Е. Борьба с коррупцией в государственных органах Республики Казахстан: учебное пособие.–Алматы: КазАТК,2008.–287 с.



манфаатдорликка эришиш тушунилади”<sup>11</sup>.

Қ.Тожибоев эса, “Коррупция жиноятчилиги натижасида давлат бошқарувининг имкониятларидан фойдаланиш, уни ўз манфаатларига бўйсиндирилган ҳолда ташкил этилиши асосида вужудга келади<sup>12</sup>”, дейди.

“Коррупция... – давлат лавозимидан шахсий наф кўриш учун ғайриқонуний фойдаланиш. “Ғайриқонуний” атамаси давлат лавозимларини эгаллаган шахсларнинг хулқ-атворини тартибга солувчи қонунлар (қоидалар) мавжудлигини англатади”<sup>13</sup>.

А.К.Иркаходжаевнинг фикрича, “криминологик ҳамда жиноий хулқ-атворнинг ижтимоий-ҳуқуқий нуқтаи назаридан коррупция – бу уюшган жиноятчиликнинг бир туридир. Мазкур жиноятни содир этилиши мақсадлари остида нафақат моддий бойлик орттириш, балки ҳокимиятга интилиш манфаатлари ҳам ётади. Коррупция давлат ва бошқа хизматчиларнинг расмий хизмат ваколатларини, улар билан боғлиқ бўлган нуфуз ва имкониятларини шахсий ёки муайян гуруҳ, корпоратив манфаатлар йўлида, ғаразли мақсадларда фойдаланиши билан тавсифланувчи ижтимоий ҳодиса”<sup>14</sup>.

<sup>11</sup> Ахраров Б.Д. Бошқарув тартибига қарши мансабдорлик жиноятлари учун жавобгарлик муаммолари: Юрид. фан. докт. ...диссертация. – Т., 2008. – Б.143-146.

<sup>12</sup> Тожибоев Қ. Мансаб мавқеини суистеъмол қилиш йўли билан ўзгалар мулкни талон-тарож қилганлик учун жавобгарлик. – Тошкент: ТДЮИ, 2004. – 13 б.

<sup>13</sup> Основы борьбы с организованной преступностью: Монография / Под ред. В.С. Овчинского. – М.: ИНФРА-М, 1997. – 92 с.

<sup>14</sup> Криминология. Учебник. Отв.редактор: М.Х.Рустамбаев. – Ташкент: ТГЮИ, 2008. – 219, 221-222 с.

Қ.Р.Абдурасулованинг таъкидлашича: “Коррупция тўғридан-тўғри маънодаги ҳуқуқий категория ҳисобланмайди, чунки унинг юридик таърифи мавжуд эмас. Аммо мазкур тушинча қонунлар ишлаб чиқиш жараёнига, қонунни қўллаш амалиётига жиддий таъсир кўрсатади. Шу сабабдан ҳам бу муаммо халқаро ташкилотларни ташвишлантормоқда<sup>15</sup>.

“Коррупция” тушинчасининг ўзи бирон-бир қабътий ҳуқуқий маъзмунга эга эмас. Ушбу шарт-шароитлар туфайликоррупцияга қарши кураш олиб бориши керак бўлган органлар зиммасига юкланган қонун қўллаш амалиёти ва статистика ҳисоб-китоблари аслини олганда аросатда қолиб келди.

Бугунги кунда, криминалист олимлар ўртасидаги баҳсларда, жиноят, фуқаролик, маъмурий, меҳнат, хўжалик ҳуқуқи соҳасидаги мутахассисларнинг илмий ишларида, оммавий ахборот воситаларида “коррупция” ибораси турли маъноларда қўлланилмоқда, бу эса коррупция ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса бўлиб, порахўрликнинг ўта салбий кўринишидир, деб хулоса қилиш имконини беради.

<sup>15</sup> Қ.Р.Абдурасулова, О.Қурбонов. Коррупция: Асосий тушунча ва шакллари (рисола).Т.2009.16 б.;